

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОД ТАЪЛИМ- ТАРБИЯСИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Зайниева Раиса Баҳодировна
БухМТИ академик лицей ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада дунё тараққиётига муносаб ҳисса қўша олган мутафаккирларимизнинг таълим-тарбия ҳақидаги қарашларининг бугунги қунда ҳам долзарб эканлиги баён этилган. Фарзанд тарбиясида эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлар билан биргаликда, ҳар томонлама етук, баркамол авлод тарбияси муаммолари тўғрисидаги мулоҳазалар ёритилган.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, илм, фан, интилиш, қизиқиши, ўғрилик, одиллик, ўзини вазмин тутиш, камтарлик, лутф, событқадамлик, эҳтиёткорлик, сахийлик, шириңсұханлик, раҳбарликда адолатлилик, тадбиркорлик.

Мутафаккирларимиздан бири бўлган бобокалонимиз Абу Райхон Берунийни жаҳон фанининг тараққиётига ғоят улкан ҳисса қўшган зўр истеъдод эгаси ва заҳматкаш тадқиқотчи сифатида яхши биламиз. Унинг ўлмас илмий асарлари жаҳон цивилизациясида юксак аҳамиятга эга. Олимнинг тўлиқ насаби Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад-ал Берунийдир.

Абу Райхон Беруний бутун умрини илмга бағишилади, ўзи ҳаёт пайтидаёқ ўша даврнинг энг буюк олими ва мутафаккири сифатида танилди. Беруний илм-фан ривожига ғоят катта ҳисса қўшди. “Ақл ва маърифатда ҳали унга ўхшаш бирор киши даврон яратадиган йўқ”, - деб ёзган эди XIII аср тарихшуноси Ёкут.

Беруний илмий билимларни эгаллаш йўллари, усуллари ҳақидаги фикрлари ҳозирги давр учун ҳам долзарбdir. Ўқувчига билим беришда:

- ўқувчини зериктирмаслик;- билим беришда бир хил нарсани ёки бир хил фанни ўргатавермаслик;- янги мавзуларни қизиқарли, асосан, қўргазмали баён этишга эътибор бериш кераклигини уқтиради. Абу Райхон Беруний фан соҳасидаги ёдгорликларни, илмий билимларга оид қолдирилган барча бойликларни қунт билан ўрганишга даъват этади. Олим илм толибларига қалбни ёмон иллатлардан, инсон ўзи сезиши мумкин бўлмаган ҳолатлардан, беҳуда рақобатдан, очкўзлиқдан, шон-шуҳратдан сақланиш зарурлигини уқтирган. Шунингдек, ҳар бир халқнинг ўзига хос таълим усуллари, йўллари, шакллари борлигини таъкидлаш билан бирга, ҳар бирхалқнинг ҳам ўқитиш тизими алифбодан бошланишни кўрсатади. Грамматика, математика фанларини ўқитишга оид қимматли фикрлар баён этади. Беруний тил ва адабиёт, тарих, география, геодезия, геология, минералогия фанлари, тиббиёт ва дорилшунослик, физика, фалакиёт илмига оид тадқиқотларини ўзи тарғиб этган назария ҳамда кузатишлар натижасида амалиётда синаб қўриб, фан ҳақиқат устувор туришини таъкидлайди. У барча иллатларнинг асосий

иллатларнинг асосий илмизлиқда деб билди. Илмларни эгаллашда эса шахсда сабаби интилиш ва қизиқищ, муҳитни алоҳида таъкидлайди. Билим олишда тушуниб ўрганиш, илмий тадқиқотчининг покликка риоя этишга алоҳида эътибор беради, жамиятнинг равнақи маърифатнинг ривожига боғлиқ деган ғояни илгари суради. Беруний таълим бериш киши руҳиятига, қобилиятига мос, уни толиқтирмайдиган бўлишига эътибор беради ва шундай ёзади: “Бизнинг мақсадимиз ўқувчини толиқтириб қўймасликдир. Ҳадеб бир нарсани ўқий бериш зерикарли бўлади ва тоқатни тоқ қиласди. Агар ўқувчи бир масаладан бошқа бир масалага ўтиб турса, у худди турлитуман боғ-роғларда сайр қилгандек бўлади, бир боғдан ўтар-ўтмас, бошқа боғ бошланади. Киши уларнинг ҳаммасини кўргиси ва томоша қилгиси келади. “Ҳар бир янги нарса роҳат бағишлайди” - деб бехуда айтилмаган”. Беруний кишилар ҳаётидаги ёмонликни қоралайди. Унинг фикрича, бу иллатни йўқотишнинг асосий йўли унинг илдизларини топиш ва кесиб ташлашдир. Ёмонликнинг шахобчалари кўп, аммо уларнинг асоси уч нарса: таъма, ғазаб ва илмизлиқдир. Агарда бу асослар қирқиб ташланса, шахобчалар қурийди. Бу асосларнинг негизи эса иштаҳа ва ғазабдир. Иштаҳа инсонга энг кучли ва энг ҳалокатли душман бўлиб, инсонни овқатларни тановул қилиш лаззати ва ўч олиш завқи билан алдайди. Олимнинг тушунтиришича, бу иллатлар, ранж ва гуноҳга олиб келади. Уларнинг таъсирига берилиб кетган киши инсонлик қиёфасини йўқотади. Беруний бундай кишиларни йиртқич ва тўрт оёқли ҳайвон, ҳаттоқи шайтон ва иблис деб ҳисоблайди. Беруний ростгўйлик, тўғрисўзликни улуғлайди, ёлғончиликни одамлар ўртасига низо соловчи иллат сифатида қоралайди. Олимнинг уқтиришича, бирор киши келтирган хабарни ўз кўзи билан кўриш, билиш ва у ҳақда аниқ тасаввурга эга бўлган маъқул дейди. Хабарга ёлғон аралашмаслиги лозим. Хабар рост ва ёлғон бўлиши мумкин. Чунки одамларнинг мақсадлари хилма-хил бўлади. Шу сабабли ҳалқлар ўртасида тортишиш юз беради. Беруний ёлғончилик туфайли киши адолатдан юз ўгириши мумкинлигини айтиб, ёлғон сўзловчилар омонатга хиёнат қилиши, бошқалар мулкини ҳийла билан босиб олиши, ўғирлик қилиши, умуман, жамият ва ҳалқнинг бузилишига сабаб бўлишини таъкидлайди. Беруний ростгўйликни адолат билан баробар қўяди. Унинг фикрича, ҳалқ адолатни севгани каби ростгўйликни ҳам севади. Аммо унинг моҳиятини, ёқимлилигини билишни истамайдиган киши уни севмайди. Беруний “Ҳиндистон” китобининг еттинчи бобида маърифат ва билимдонлик даражаси, кишиларнинг мулоҳаза юритиш ҳолати тўғрисида фикр билдиради. Ушбу бобдан ўрин олган ҳикояда олим шундай воқеани баён этади: «Бир устоз ўз шогирдлари билан қоронғи кечада йўл босиб борар эди. Улар йўл бўйича тик турган бир королтинга дуч келадилар. Устоз шогирдларидан унинг нима эканини айтишни талаб қиласди. Шогирдларидан бири билмайман, иккинчиси ҳам билмайман ва билишга қудратим етмайди, деб жавоб беради. Учинчиси эса тонг ёришса, маълум бўлади, қўрқинчли нарса бўлса, тонг ёришиши билан

йўқолиб кетади. Қўрқинчли нарса бўлмаса аҳволи равшан бўлади, деб жавоб қилди». Беруний уч шогирднинг аҳволини, қобилиятини уларнинг жавобларидан билиб олади: олимга биринчи ва иккинчи шогирднинг илмсизлиги, учинчисининг ишни кейинга суриши, илмсиз бўлса ҳам, маърифатга интилиши намоён бўлади. Шу туфайли Беруний унинг жавобини маъқуллайди. Бу шогирд королтинга бориб, бир-бирига чирмашиб кетган қовоқ палагини кўради, королтин жонсиз нарса эканига ишонади, бирор иҳота эмасмикан деб шубҳаланади-да, тепиб юборади, королтин ағанади. Шунда шогирд унинг иҳота эканига тўла ишонади. Барча кўрган, билганлари ҳақида устози Берунийга хабар қилди ва унинг қаршисида эътибор қозонди. Демак, ҳар бир нарсани аниқ, синчиклаб ўрганиш, билиш ва шундан сўнггина бир хулосага келиш керак. Беруний бу ишда тажрибага асосланишни алоҳида уқтиради, нодонлик, эринчоқлик, илмсизликни танқид қиласди. Олимнинг таъкидлашича, сезги ўз қўзғатувчи аъзолари орқали юзага келади. Қўзғатувчилар бир меъёрда бўлса, ёқимли ва заарсиз, агарда меъёрдан ортиқ бўлса, дардли ва ҳалокатли бўлади. Кўриш сезгисини нур қўзғатади, ҳидлаш ҳаво билан бурунга уриладиган ҳидлар орқали пайдо бўлади, таъм-озиқанинг мазаси билан вужудга келади. Бу тўрт сезгини ҳис этувчи маҳсус аъзолар танада мавжуддир. Бешинчи сезги эса, бутун бадандаги воқеадир. Беруний ана шу хусусиятлари билан инсоннинг барча мавжудотлардан устунлигини таъкидлаб, инсоннинг асосий вазифаси меҳнат орқали кўзлаган мақсадига эришиш, яхшилик орқали яхшилик кўришдир, деган ғояни олға суради ва бу фикрини Робиъа қабиласидан чиққан Аъшо номли шоирнинг қуйидаги мисралари орқали қувватлайди: Менинг қалбим икки биқиним ўртасида туриб, Кўзларнинг кўргани қулоқларнинг эшитганини англайди. Бу сатрларда билим эшитиш ва кўриш орқали эгалланиши ва у қалбга боғлиқлиги таъкидланади.

Абу Райҳон Беруний инсон билимларни ақлнинг сезги аъзолари берган маълумотлар орқали эгаллашини айтади. Хотиранинг аҳамияти ҳақида Беруний ажойиб фикр айтган. “Хотира, - дейди у - далили бор ҳамма нарсаларни яхшироқ, тезроқ ва унғайроқ эслаб қолади”. Хотирани у Тангри таолонинг тухфаси деб ҳисоблайди. Олим билим олишни ахлоқий тарбия билан боғлайди. Зоро, инсонда комилликнинг муҳим мезони юксак ахлоқлиликдир.

Берунийнинг “Ўтмиш авлодларидан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Минералогия”, “Китоб ас-сайдона”, “Ал-қонуни ал Масъудий”, “Геодезия” ва бошқа асарларида инсон, камолотида ахлоқий тарбиянинг муҳим ўрнини таъкидлайди. Унинг фикрича ахлоқийлик инсоннинг энг асосий сифати бўлиши керак. Бу хислат бирданига таркиб топмайди. У кишиларнинг ўзаро мулоқоти, ижтимоий муҳит – жамият тараққиёти жараёнида таркиб топади ёки у яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш натижасида намоён бўлади. Яхшилик ва ёмонлик инсоннинг хулқ-атворини белгилайдиган мезон ҳисобланади. Яхши хислатларга тўғрилик, одиллик, ўзини вазмин тутиш, камтарлик, лутф,

собитқадамлик, эҳтиёткорлик, сахийлик, шириңсұханлик, раҳбарликда адолатлилік, тадбиркорлик кабиларни киритади. Ёмон иллатларга эса ҳасадгүйлик, баҳиллик, носоғлом рақобат, ўз манфаатини қўзлаш, мансабпаратстлик ва ҳоказоларни киритади. Беруний фахрланишни яхши хулқ маъносида ишлатиб “Ёдгорликлар”да шундай дейди: “Фахрланиш – ҳақиқатда яхши хулқлар ва олий феълларда олдин кетиш, илму ҳикматни эгаллаш ва имконият борича мавжуд нопокликлардан тозаланишдир. Кимда шундай сифатлар топилса, ҳукм унинг фойдасига ва кимда булар етишмаса, ҳукм унинг зарарига бўлади”. Демак, Беруний инсоннинг маънавий қиёфасидаги барча ахлоқий хислатларини яхшилик ва ёмонлик каби икки турга бўлади. Бу инсоният яратган педагогик фикр тараққиётида “қизил ип” бўлиб ўтганидек, шу анъанага мувофиқ Берунийда ҳам ахлоқий тушунчалар, ахлоқий баркамолликнинг муҳим томонлариридир. Беруний саховат, муруватни инсоннинг ахлоқий камолотини кўрсатувчи хислатлар деб билади. Инсоннинг ахлоқий камолга етиши муаммоси бутун таълимтарбия тизимида марказий масала бўлиб қолган. Олим эзгу тилакка етишга тўқсینлик қилувчи зиқиналик, ёлғончилик, мунофиқлик, манманлик, такаббурлик каби нуқсонларни қоралайди, бойликка ружу қўйиш ва таъмагирлик, ғазаб ва жоҳиллик инсон учун энг ашаддий душман деб қарайди. Мутафаккир илгари сурган ахлоқий хислатлардан яна бири адолатдир. У жамиятда адолат, уни ёвузликлардан холос этиш учун доно, адолатли ҳукмдор бўлиши керак, дейди. Беруний кундалик турмуши масалаларига ҳам катта эътибор берган. Ҳар бир ахлоқан баркамол инсон ўзининг турмуш тарзини ҳам уйғун, гўзал эта олади. Уйғунлик гўзalлик ва нафосатнинг асоси саналади. Беруний инсоний хислатлардан муҳими – озодалик, тарбиялилик бўлса, инсонга энг яқин нарса унинг табиати, руҳи дейди.

Шунинг учун инсон ўз табиатига ёқадиган ишларни бажариши зарур, деб кўрсатади. Бунда инсоннинг ички дунёси билан ташқи гўзalлиги, турмуш тарзидаги гўзalликнинг уйғун бўлишини талаб этган. Бунга инсон киядиган кийимдан тортиб, кундалик турмушдаги юриш туриши, сўзи, қалби, қилган иши – ҳаммасининг гўзал бўлиши таъкидланган. Ҳар бир шахсада шарм-ҳаё, нафис, дид, иффат, латофат, шириңсұханликнинг таркиб топиши инсон турмушини янада гўзал бўлишга олиб келади. Олимнинг инсон турмушига хос хулқ-одоб қоидалари ҳақиқатдан педагогик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда инсон ҳам ички, ҳам ташқи томондан гўзал бўлсагина ҳақиқий камолотга эришиши мумкин. Беруний озодалик ва орасталикни олижаноблик билан тенглаштиради. Инсон доимо буларга риоя этиши зарур деб таъкидлайди. Бунда инсон ўзини бошқара олишга қодир бўлиши, ҳар бир етук инсон учун зарур бўлган хислатларни таркиб топтиришда куч ва иродага эга бўлиши зарур, деган фикрлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Турдиева М. Ж. ОИЛА-ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ //GOLDEN BRAIN. – 2023. – Т. 1. – №. 10. – С. 44-49.
2. Турдиева М. Ж. ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ //Scientific Impulse. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 1482-1488.
3. Олимов К., Турдиева М. Инновационный подход и государственная учебная программа «первый шаг» в реализации процесса дошкольного образования и подготовки //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 2/S. – С. 419-423.
4. Turdiyeva M. J. CONTENT OF DEVELOPMENT OF CREATIVE SKILLS OF PRESCHOOL CHILDREN BASED ON INDIVIDUAL AND INNOVATIVE APPROACH //Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. – 2022. – Т. 2. – №. 1.5 Pedagogical sciences.
5. Turdiyeva M. J. TA'LIM-TARBIYA JARAYONIDA PEDAGOGIK O'YINLAR VA ULARNING SHAXS RIVOJLANISHIGA PSIXOLOGIK TA'SIRI //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 7. – С. 990-995.
6. Juraqulovna T. M., Jo'raqulovna T. S. BOLALARDA JISMONIY FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISH MASALALARI //BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMUY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 1-5.
7. Tanzilovich O. K., Jurakulovna T. M. Innovative approach and state training program "First Step" in the implementation of the process of preschool education and training //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 4. – С. 817-821.
8. Турдиева М. Д. Суть организации процесса дошкольного образования и образования на основе индивидуального подхода //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2021. – №. 2-5. – С. 184-187.
9. Турдиева М. Shaxsga yo'naltirilgan yondashuv asosida maktabgacha yoshdag'i bolalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlanish modeli //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
10. Sharipova M. РОЛЬ ГЕРОИЧЕСКОГО ЭПОА В ОБОГАЩЕНИИ ЖЕНСКОГО ЭСТЕТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2023. – Т. 31. – №. 31.
11. Sharipova M. "ALPOMISH" DOSTONI BADIY STRUKTURASIDA MAROSIMLARNING O'RNI //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2023. – Т. 30. – №. 30.
12. Baxshulloyevna S. M. «ALPOMISH» DOSTONI-VATANPARVARLIK FAZILATLARIDAN SABOQ BERUVCHI MA'NAVIY DURDONA //Scientific Impulse. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 1426-1430.

13. Sharipova M. B., Muslimova L. M. Q. XALQ DOSTONLARINI O'RGATISHNING AMALIY AHAMIYATI HAMDA DOLZARBLIGI ("ALPOMISH" DOSTONI MISOLIDA) //Scientific progress. – 2021. – T. 2. – №. 7. – C. 1130-1134.
14. Sharipova M. B., Salimova K. R. Q. "ALPOMISH" DOSTONIDA "KAMPIR O'LDI" MAROSIMI TASVIRI //Scientific progress. – 2021. – T. 2. – №. 7. – C. 1109-1113.
15. Kuldoshev R. et al. Mathematical statistical analysis of attainment levels of primary left handed students based on pearson's conformity criteria //E3S Web of Conferences. – 2023. – T. 371. – C. 05069.
16. Qosimova M. M., Kasimov A. A. On some typical problems to be solved in primary schools //Academicia: an international multidisciplinary research journal. – 2021. – T. 11. – №. 1. – C. 502-517.
17. Amriddinova S. S. et al. THE ROLE OF DENTISTRY IN THE STUDY OF THE ORAL CAVITY AND MAXILLOFACIAL AREA //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – T. 3. – №. 10. – C. 1299-1303.
18. Rustamovna, Bafoyeva Mohinur. "MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARING MATEMATIK TASAVVURLARNI RIVOJLANISHDA O'LCHAM TUSHUNCHASINING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI." PEDAGOOGS jurnali 1.1 (2023): 152-152.
19. Abdulloyevich, Kasimov Asror. "DARSDAN TASHQARI MASHG 'ULOTLAR JARAYONIDA BOSHLANG'ICH SINF O 'QUVCHILARINING IJODIY QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISH." Новости образования: исследование в XXI веке 1.6 (2023): 39-44.
20. Abdulloyevich K. A. Development of Creative Abilities of Primary School Students in the Process of Extracurricular Activities //INTERNATIONAL JOURNAL OF INCLUSIVE AND SUSTAINABLE EDUCATION. – 2022. – T. 1. – №. 6. – C. 232-235.
21. Abdulloevich K. A. BOSHLANG 'ICH TA'LIMDA O'QUVCHILAR IJODIY FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI //PEDAGOOGS jurnali. – 2023. – T. 1. – №. 1. – C. 148-148.
22. Saidahrolovich K. S., Akabirovich M. A. FEATURES OF THE SYSTEM OF FINANCING AND FORECASTING OF MODERN CLUSTERS OF VITICULTURE IN UZBEKISTAN //British Journal of Global Ecology and Sustainable Development. – 2023. – T. 15. – C. 78-85.
23. qizi Nasiba, Nasimova Nasiba Qurbon. "MAKTABGACHA TA'LIM TASHKIOTLARIDA BOLALARING MUSIQAVIY QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISH." Scientific Impulse 1.4 (2022): 1526-1530.
24. Students //American Journal of Social and Humanitarian Research. – 2022. – T. 3. – №. 10. – C. 247-249.
25. Supxonovna H. N. Social Competencies of Primary School Students //AMERICAN JOURNAL OF SCIENCE AND LEARNING FOR DEVELOPMENT. – 2022. – T. 1. – №. 2. – C. 110-112.

-
26. Hakimova, N. (2022). РОЛЬ СОЦИАЛЬНО-ПРАВОВЫХ НОРМ В ЖИЗНИ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 25(25).
27. Khakimova Nargiza Suphanovna //Improving the Mechanisms for the Formation of Socio-Legal Competencies of Students in the Lessons of Education in Primary School // Web of Scholars: Multidimensional Research Journal 1 (7), 25-28. 2022/11/9
28. Hakimova Nargiza Supxonovna //Social Competencies of Primary School Students// AMERICAN JOURNAL OF SCIENCE AND LEARNING FOR DEVELOPMEN. 2022/12/19. 1 (2), 110-112
29. Hakimova Nargiza Suphonovna Intellectual Development of Future Teachers-Educators on the Basis of the Acmeological Approach// European journal of innovation in nonformal education. 2022/2/14.
30. Hakimova Nargiza Supxonovna, Dilova Nargiza Gaybullayevna, //Forming a sense of respect for the students in primary school educational lessons// Journal of Pedagogical Inventions and Practices. 2022/7/1
31. Nargiza Supxonovna Hakimova // Boshlang'ich sinf o'quvchilarida ijtimoiy-huquqiy mehyorlarga hurmat hissini shakllantirish metodlari// Science and Education. 2022
32. Хамраева, Н. А. (2020). Развитие речи у детей. Проблемы педагогики, (3 (48)), 28-30.
33. Хамраева Н. А., Салимова Н. К. ТЕМЫ И ЗАДАЧИ НАУКИ КУЛЬТУРЫ РЕЧИ //BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 11-16.
34. Хамраева, Нигора. "ЯЗЫК-НЕОБХОДИМОЕ УСЛОВИЕ СУЩЕСТВОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА." Involta Scientific Journal 1.4 (2022): 282-288.